КПСС XXVI СЪЕЗДИ КАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Газета 1928 йил 11 декабрдан чика бошлаган. ● № 235 (7725). ● 8 декабрь, 1981 йил ✦ СЕШАНБА ● Баҳоси 2 тийин

Бутун мамлакатимиздаги каби областимиз, саноат корхоналари, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари, муассасалар, колхоз ва совхозларда СССР ташкил этилганлигининг шонли юбилейини муносиб нишонлаш учун қизғин меҳнат давом этмоқда. Унинг иштирокчилари зарбдор ҳафталиклар давомида янги-янги резервлар ва имкониятларни ишга солмоқдалар. Бу давлат планлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда яхши натижаларга эришиш имконини бермоқда.

Россия Федерацияси, беш йиллик гвардиячилари, беш йилликнинг зарбдор қурилишлари ва Москва остонасидаги оламшумул-тарихий ғалабанинг қирқ йиллигига бағишлаб ўтказилган зарбдор ҳафталиклар самараси фикримизнинг далилидир. Ана шу ҳафталикларда ишчилар ва бинокорлар, транспортчилар ва алоқачилар, колхозчилар ва деҳқонлар, қўйингки, барча меҳнаткашлар ҳаммани ажойиб зафарлар билан ҳушнуд этдилар. Кеча ана шу ҳафталикларнинг бешинчиси бошланди. У совет энергетикларига бағишланган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, энергетика мамлакат халқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда у статистик маълумотлардагина биринчи сатрни эгалламай, бутун кундалик ҳаётда ҳам етакчи ўринни эгаллаб турибди. Иқтисодий юксалишнинг бир маромда ва белгиланган даражада боришн, унинг ривожланиш суръатлари кўп жиҳатдан энергетикага боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам Коммунистик партия энергетикамизнинг барқарор ривожланишига, халқ хўжалигининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган даражада бўлиши учун кўндан-кўп тадбирларини амалга оширмоқдалар. Буни республикамиз, шу жумладан областимиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бир вақтлар қора чироқдан бошқа нарсани билмаган диёримиз меҳнаткашлари энди ликда Ильич нуридан баҳраманд бўлмоқдалар. Бу нур ижодкорлари ўн биринчи беш йилликнинг тўғинч йилида дуруст ишламоқдалар. Улар шу йилнинг ўтган ойлари давомида пландагидан ташқари миллионларча киловатт-соат электр энергияси ҳосил қилдилар. Улар ўз шарафларига бошланган зарбдор ҳафталикда янги-янги муваффақиятларга эришишларига шак-шубҳа йўқ. Чунки, ҳар бир нурхона коллективи ана шу ҳафталик самарали ўтиши учун пухта тайёргарлик кўрди. Уларнинг она-Ватанимиз бахт-саодати йўлидаги фидокорона меҳнатларига зафарлар ёр бўлишига тилакдошмиз.

СОВЕТ ЭНЕРГЕТИКЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Кеча Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. М. МУСАХОНОВ «КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми якунлари ва КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган кўрсатмалар асосида область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

1981 йил — ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили, КПСС тарихий XXVI съезди йили тугамоқда, — деди Ўртоқ М. М. Мусахонов. — Съезд ғоялари ҳар бир совет кишисининг фикру-ўйларини эгаллаб, қалбидан жой олди, коммунистик бунёдкорликнинг, бутун ишимиз самарадорлигини оширишнинг қудратли омили бўлиб қолди.

Съезд белгилаб берган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг программасини бажаришда партиямиз Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми, ССР Иттифоқи Олий Совети VI сессиясининг қарорлари партия, совет халқининг фаолиятида муҳим босқич бўлиб қолди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев катта ва ёрқин нутқ сўзлади. Унинг ғоят кенг қамровли, мазмунли нутқида партия ташкилотлари, хўжалик органларининг экономикани интенсив ривожлантириш йўлига ўтказиш, планлаштириш методлари ва бошқарув системасини такомиллаштириш, халқ моддий ва маданий даражасини ошириш борасидаги фаолияти ленинча ишчанлик билан ва чуқур анализ қилиб берилган.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида социалистик экономиканинг битмас-туганмас имкониятлари ҳар томонлама очиб берилди, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, планлаштиришдаги ишларнинг аҳволи объектив таҳлил қилинди, ютуқлар ва камчиликларга принципиал баҳо берилди, ҳал этишга куч-ғайратларимизни жамлашимиз керак бўлган асосий проблемалар аниқ-пухта белгилаб берилди.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV Пленумида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленумининг якунлари, Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқидаги қоида ва хулосалар кўриб чиқилди, республика партия ташкилотларининг КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларини, беш йилликнинг биринчи йили ва умуман беш йиллик план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини тўла бажариш, бутун ишимиз самарадорлигини оширишга Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини, коммунистларни сафарбар этиш бўйича вазифалар аниқлаб берилди.

1982 йилда ва ўн биринчи беш йилликда республикани иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари Ўзбекистон ССР Олий Совети IV сессиясида тасдиқланди ва шундай қилиб фаолиятимиз қонуни бўлиб қолди.

Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари сингари областимиз ишчилар синфи, колхозчи, деҳқонлари, меҳнаткаш зиёлилари, — деди докладчи, — Марказий Комитет ноябрь Пленуми қарорларини, Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқини КПСС XXVI съезди қарорларини бажариш юзасидан ўз амалий фаолиятларининг жанговар программаси сифатида қабул қилдилар ва ўз конкрет ишлари билан ленинча партияга чексиз садоқатларини, коммунистик қурилишда янги марраларни эгаллашга қатъий қарор берганликларини намойиш қилмоқдалар. Олдимиздаги марралар эса юксакдир. Бу марраларга эришиш катта меҳнат, ижодий ёндошиш, юксак интизом ва уюшқоқлик, барча резервлардан иложи борича фойдаланишни талаб қилади.

Аввало, экономикага партия раҳбарлиги даражаси, хўжалик, план органлари фаолиятига оширилган талаблар қўйилмоқда. «Афсуски, — деб таъкидлади Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда, — хўжалик фаолияти ва иқтисодий фикрлар услуби, планлаштириш методлари, бошқарув системаси ҳануз зўр ғайрат билан қайта қурилаётгани йўқ».

Бу ҳол бутун ишимизни принципиал ва талабчанлик билан анализ қилишга бизни ундайди.

Шу муносабат билан фонд самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини, чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини янада ошириш зарурлиги тўғрисидаги масала жиддий тарзда қўйилмоқда. Булар ишлаб чиқариш самарадорлигининг бир мунча умумлаштирувчи кўрсаткичлари ҳисобланади.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бу ҳал қилувчи масаласини ҳал этишда фан ва техника ютуқларини жадаллик билан жорий қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш, янги, юксак унумли технологик жараёнларни ўзлаштириш масалалари катта ўрин тутади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида Ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўз докладида таъкидлаганидек, ҳозир қўл меҳнатини қисқартириш социал аҳамияти жиҳатидан энг муҳим ва кўп нарсани қамраб оладиган масаладир.

Бу вазифа областимиз қарим корхоналарида муваффақиятли ҳал қилинмоқда. Тошкент трактор заводида меҳнати оғир бўлган деталларни ишлашда механик роботлардан фойдаланиш бўйича технологик комплекс яратилмоқда. В. П. Чкалов номли авиабирлашмада, «Таштекстилмаш», агрегат заводларида, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатида автоматлашган поток линиялар, программа билан бошқариладиган станоклар, ҳар хил лазер асбоб-ускуналар ишчиллик билан жорий қилинмоқда.

Бундай ижобий мисоллар областнинг бошқа саноат корхоналарида ҳам бор. Аммо улар ҳозирча оз.

Кўпгина корхоналарда техник қайта қуроллаиш сусг амалга оширилмоқда. Натижада ўнлаб миллион сўмлик замонавий асбоб-ускуналар омборларда тўпланиб қолди. Айниқса, улар Олмалиқ, Бекобод ва Чирчиқ шаҳарларида кўп. Корхоналарнинг айрим раҳбарлари мавжуд янги ускуналар ва замонавий техникадан ўз вақтида фойдаланишга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлмоқдалар, иқрофгарчиликка йўл қўймоқдалар.

Партия комитетлари, совет органлари, халқ контроли органлари ускуналардан самарасиз фойдаланиш ҳолларини пухта ўрганиб, давлатнинг катта маблағларини ташлаб қўйган раҳбарларни жавобгарликка тортишлари керак.

Областимиздаги кўпдан-кўп илмий-тадқиқот институтлари, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотларн имкониятларидан ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, меҳнат шароитини яхшилаш ва чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашда самаралироқ фойдаланиш лозим.

Ёнилғи-энергетика комплексини ривожлантириш муҳим вазифадир. У халқ хўжалигимиз манфаатларига алоқадордир. Областимиз катта ёнилғи-энергетика потенциалига эга. Бу йил энергосозлар Чирчиқ гидроэлектростанцияларн каскади қурилишини тугалладилар, электр симлари янги линияларини ўтказдилар. Қуввати 2 миллион 400 минг киловатт бўлган Янги Ангрен ГРЭСи қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда. «Ангренский» разрези реконструкция қилиниб, техник жиҳатдан қайта ускуналанмоқда. Бу кўмир қазиб чиқаришни икки баравар ошириш имконини беради.

Бу билан бирга халқ хўжалигининг ёнилғи ва энергияга бўлган эҳтиёжи ҳам тез ўсиб бормоқда. Бинобарин, уларни иқтисод қилишнинг ҳамма мавжуд йўлларн ва имкониятларидан фойдаланиш зарур.

Бу муҳим ишда областда яхшигина тажриба тўпланган. Кўпгина саноат корхоналари ва ташкилотлари ёнил сайин ёнилғи, электр энергияси, ҳомашё ва материаллардан тежаб-тергаб фойдаланмоқдалар. «Средазкабель», «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмалари, чинни заводи, Ангрендаги «Резинотехника» заводи, Ўзбекистон металлургия комбинати ва бошқа кўпгина корхоналар шулар жумласидандир. Бироқ, ҳамма корхоналарда ҳам ёнилғи ва энергиядан тежаб-тергаб фойдаланилмаётир. Бу йил Бекобод цемент комбинати, Ангрен керамика, Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, 6-ништ заводи, Тошкент зарғарлик заводи электр энергиясини ортиқча сарфладилар. Бундай исрофгарчиликка сира тоқат қилиш мумкин эмас.

Биз металл, ёнилғи, электр энергияси, ҳомашё ва материаллар, молия ва меҳнат ресурсларидан рационал ва тежамли фойдаланишни таъминлашимиз, экономикамиз тежамли бўлиши учун ҳамма чораларни кўришимиз керак.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь Пленумида «Б» группа тармоқларини жадал ривожлантириш масаласи яна кескин қилиб қўйилди. Областимизда ўнинчи беш йиллик давомида уларни ишлаб чиқариш ҳажмн 1,5 баравар ўсди. Мебеллар, тўқимачилик, трикотаж буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва шу кабиларни ишлаб чиқариш анча кўпайди. 1981 йилнинг ўн бир ойи ичида планга қўшимча 44 миллион сўмликдан кўпроқ халқ истеъмоли товарлари реализация қилинди.

Бироқ, бу йўналишдаги иш ҳали КПСС XXVI съезди талабларига тўла жавоб бераётгани йўқ. Айрим корхоналар кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш юзасидан белгилаб қўйилган топшириқлар ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажармаяптилар. Товарлар сифати ва улар ассортиментини кенгайтиришни жиддий яхшилаш лозим. Магазинларда, омборларда аҳолн талабига жавоб бермайдиган миллионмиллион сўмлик товарлар қалашиб ётибди. Енгил саноат, металлсозлик саноати министрликларининг бир қатор корхоналари узоқ вақтдан буён план кўрсаткичларини бажармай келяптилар.

Шаҳар ва район партия комитетлари тегишли министрлик ва идораларнинг раҳбарлари билан биргаликда корхоналарнинг бир меъёрда ишлашини таъминлаш учун зарур чораларни кўришлари керак. Бир қатор машинасозлик корхоналарида ва «А» группасининг бошқа корхоналарида халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш масалаларн кўп йиллардан бери ҳал этилмай келинянти. Бу айниқса, Олмалиқ кон-металлургия комбинатн, «Электрохимпром» бирлашмаси, «Ташсельмаш», экскаватор заводлари, Олмалиқ химия заводи каби бир қатор корхоналарга тааллуқлидир.

Халқ хўжалигининг қарийб ҳамма тармоқларида аҳолн истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун фойдаланилмаётган катта резервлар бор. Партия, совет, хўжалик органлари, корхоналарнинг раҳбарлари халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш масалаларида ғайрат билан ташаббус кўрсатишлари, маҳаллий ресурслардан маҳсулот ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор беришлари, шу мақсадлар учун филиаллар, махсус цехлар, участкалар ташкил қилишлари, ёрдамчи корхоналар ва тармоқларни ривожлантиришлари керак. Янги корхоналар замонавий техника билан жиҳозланиши, илғор технология асосида ишлаши дастлабки кунларданоқ уларда ижодий, юксак самарали меҳнат вазнятн шаклланиши жуда муҳимдир.

1982 йил плани тўғрисида гапириб Ўртоқ Л. И. Брежнев шуни таъкидлаяпти, бу планда мўлтадил ўсиш суръатлари кўзда тутилган. «Биз планни қабул этиш пайтида реал имкониятларга катъият билан асосландик. Биз бу планнинг сўзсиз бажарилишини ҳам худди шундай катъият билан талаб қиламиз. Бугун халқ депутатлари область Советининг сессиясида об-

ласть халқ хўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик плани, ҳамда 1982 йилги план ва бюджет лойиҳалари кўриб чиқилади. Беш йиллик план областимиз халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари янада ривожланишида олдинга ташлаб қўйилган янги йирик қадам бўлади. План лойиҳасида бу беш йилликда саноат ишлаб чиқариши ҳажмини 28—32 процент кўпайтириш кўзда тутилади, бу — ўтган беш йилликда эришилган даражадан кўпдир. Қора ва рангли металлургия, энергетика ва машинасозлик, химия ва нефть химияси, енгил, озиқ-овқат, маҳаллий саноат ва бошқа тармоқлар янада жадал ривожланади.

Янги беш йиллик топшириқларини амалга оширишда 1981 йил дастлабки, масъулнятли марра бўлди. Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, область меҳнаткашлари ўн бир ойлик план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар. Ийл охиригача 1980 йилдагига нисбатан 300 миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилади, йиллик планга қўшимча эса 100 миллион сўмликдан кўп маҳсулот, шу жумладан, 30 миллион сўмлик халқ истеъмоли товарлари кўп реализация қилинади.

Шу билан бирга айтиш керакки, бизни орқага сургаётган раҳбарлар, меҳнат коллективлари ҳали ҳам бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV Пленумида айрим озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати корхоналари, мева-сабзавот хўжаликлари, саноат қурилиш материаллари корхоналари ўтган йилга нисбатан кўрсаткичларни пасайтириб юбордилар, деб бизни мутлақо тўғри танқид қилдилар.

Областда ой сайин 15—20 корхона реализация планларини, 25—30 корхона ялпи маҳсулот ва меҳнат унумдорлиги бўйича, ҳар тўрт корхонадан бири фонда ва таннарх бўйича планларни бажармаётганлиги катта ташвиш туғдиради.

(Давоми 2-бетда).

ЛУБКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Коммунистик райондаги Жумабозор луб заводининг ахил коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили план-топшириқларини бажарганликлари ҳақидаги ғалаба рапортига имзо чекди. Ўтган давр мобайнида пландаги 5 миллион 820 минг сўм ўрнига 5 миллион 910 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

«СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остида меҳнат қилаётган завод коллективи ички резерв ва имкониятларни қайта кўриб чиқиб, йил охиригача планга қўшимча яна 100 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди.

Х. ОЛЛОНАЗАРОВ.

МОСКВА, ЖАСОРАТИНГНИ ШАРАФЛАЙМИЗ!

СОВЕТ КИШИЛАРИ ПОЙТАХТ ДЕВОРЛАРИ ЁНИДАГИ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИНИ ЗАРБДОР МЕҲНАТ БИЛАН НИШОНЛАМОҚДАЛАР

Совет кишилари шонли санани, тарихга абадий ёзилган Москва остоналарида немис-фашист қўшинлари тор-мор этилганлигининг 40 йиллигини беш йиллик зарбдор вахталарида юксак меҳнат зафарлари билан нишонламоқдалар. Қаҳрамон халқ, бунёдкор халқ заводларда, қурилишларда, далаларда, илмий лабораторияларда КПСС XXVI съезди ишлаб чиққан улуғвор программани дадил амалга оширмоқда.

5 декабрь куни пойтахт деворлари ёнидаги сўнмас жасоратга бағишланган шанбаликка Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, уларнинг фарзандлари ва набиралари бир сафбўлиб чиқдилар. Бу зарбдор меҳнат байрами совет кишиларининг Ленин партияси, унинг Марказий Комитети, Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси теварагидаги метиндек жипслигининг, партия, Совет давлатининг меҳнат аҳли бахт-саодатини, планетада мустаҳкам тинчликни кўзловчи ички ва ташқи сиёсатини тўла қўллаб-қувватлаётганлигининг янги яққол далили бўлди.

Қаҳрамон шаҳарларнинг меҳнаткашлари ишончли санани тантана билан ишчанлик вазиятида нишонладилар. ТАСС мухбирларининг хабарлари ва репортажлари 5 декабрдаги зарбдор шанбалик сменаларининг бориши тўғрисида ҳикоя қилади.

Киевдаги 6-ТЭЦ қурувчилари шанбаликни тантанали митинг билан бошладилар. Зарбдор комсомол отряди улар билан бирга меҳнат қилди.

Уруш оташларида ёнган афсонавий Кичик ерда ҳозир оппоқ уй-жой микрорайони қад кўтармоқда. Бугун янги уй олганлардан минглаб кишилар территорияни ободонлаштиришда «Новороссийскморстрой» трестининг қурувчиларига ёрдам бердилар.

Шанбалик кунида Қора денгиздаги «Герои—панфиловцы» теплоходи экипажининг аъзолари зарбдор вахта якунлари тўғрисидаги рапортга имзо чекдилар. Улар ёқилғини тежаб-тергаб сарфлаш, пландан ташқари юк ташиш, ремонт қилиш ҳисобига 30 минг сўмга яқин пул тежадилар.

5 декабрдаги шанбаликда Брест вагон депосининг меҳнаткашлари олтита вагонни ремонтдан чиқардилар. Вагонлар шу куниёқ темир йўлчиларга топширилди ва улар беш йиллик учун ишлай бошлади.

* * *

ТОШКЕНТ. Республикамиз пойтахти меҳнаткашлари Москва остоналаридаги шонли ғалабага бағишланган умумхалқ хашарида фаол қатнашдилар. Шу куни кўпгина корхоналар коллективлари тежалган хом ашё ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарди. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб-чиқариш бирлашмаси чеварлари йил бошидан бери иқтисод қилинган хом ашё ҳисобига 200 минг сўмлик маҳсулот тайёрладилар. Шу куни тушган 4 минг сўмликдан ортиқ иш ҳақи Совет тинчлик фондига берилди.

Пойабзалчилар ҳам оддий иш кунларидагига нисбатан анча самарали меҳнат қилдилар. Улар 115 минг сўмлик 17 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқардилар. Бу оёқ кийимларнинг 25 минг жуфти тежалган материаллар ва хом ашё ҳисобига тайёрланди. Тинчлик фондига ўтказилган маош миқдори 10 минг сўмликдан ортиқроқни ташкил этди.

«Маликa» трикотаж ишлаб-чиқариш бирлашмаси бўлинмаларида шу куни 3770 киши меҳнат постида бўлди. Улар Совет тинчлик фондига 8 минг сўмлик улуш қўшдилар.

Республикамиз пойтахтидаги барча саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари, муассасалар меҳнаткашлари умумхалқ хашарида зўр уюшқоқлик билан қатнашдилар.

* * *

ОЛМАЛИҚ. Шаҳарда буюк ғалаба шарафига шанбалик ўтказиш ташаббусини биринчи бўлиб бошлаган Олмалиқ рўзғор химияси заводи ишчилари шу куни ҳар қачонгидан ҳам баракали меҳнат қилдилар. Улар пландагидан ташқари бир неча минг сўмлик маҳсулот тайёрлашди. Т. Суфиянова, Ш. Сейдаметов, А. Ликовлар раҳбарлик қилаётган бригадалар аъзолари меҳнатда ҳаммага намуна бўлдилар.

Мебель ва гилам фабрикалари, республика рангли металлургия марказининг бошқа корхоналари коллективлари ҳам умумхалқ хашарини меҳнатда юксак кўрсаткичлар билан нишонладилар.

* * *

ЧИРЧИҚ. Шаҳар меҳнаткашлари шанбаликка пухта ҳозирлик кўришди. Шунинг учун ҳам у зўр уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик билан ўтди. Ишчи коржомасидаги меҳнат байрамида 63 минг чирчиқлик қатнашди. 31 мингдан ортиқ киши бевосита меҳнат постида бўлди. 5 декабрь куни шаҳар бўйича 1 миллион 800 минг сўмликдан кўпроқ турли хил маҳсулотлар, шу жумладан 120 минг сўмлик кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари 50 минг сўмлик қурилиш-монтаж, кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Москва остоналаридаги ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган бу умумхалқ хашари областимизнинг бошқа барча шаҳар ва районларида ҳам юксак ташкилий-сиёсий руҳда ўтди.



МАҲМУД Зиёмов Тошкент тепловоз вагон-ремонти заводининг пешқадам ремонтчи слесари. Мазкур корхонада йигирма йилдан буён фидокорона меҳнат қилиб келаётган бу ишчи Москва остоналарида қозонилган ғалабанинг 40 йиллигн шарафига ўтказилган шанбаликда ҳам меҳнатга коммунистик муносабат намунасини кўрсатиб, шахсий нормасини 1,5 баравар бажарди.

Б. Сироткин фотоси.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Кеча XVII чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг VIII сессияси бўлиб ўтди.

Сессияни Тошкент область ижроия комитетининг раиси **Т. А. Алимов** очди.

Область ижроия комитети раисининг ўринбосари, область план комиссиясининг раиси **Ж. Р. Ризаев** 1981—1985 йиллар, 1982 йилда областни иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари ҳамда 1981 йилда областни иқтисодий ва социал ривожлантириш плани бажарилишининг борнши тўғрисида доклад қилди.

Область молия бўлимининг мудири **Т. М. Маҳмудхўжаев** 1982 йил учун Тошкент область маҳаллий бюджети ва 1980 йилги область маҳаллий бюджети ва 1980 йилги область маҳаллий бюджетининг бажарилиши тўғрисида доклад қилди. Область Совети план-бюджет доимий комиссияси раисининг ўринбосари **Ш. З. Зохидов** шу масала юзасидан қўшимча доклад қилди.

Сессия 1981—1985 йилларда ва 1982 йилда Тошкент областини иқтисодий ва социал ривожлантириш планини тасдиқлади.

Сессияда 1982 йил учун Тошкент область маҳаллий бюджети ва 1980 йилги маҳаллий бюджетнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисобот тасдиқланди.

Сессияда, шунингдек, халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Коммунистик партияси XX съезди қарорларини амалга оширишни таъминлаш юзасидан ташкилий тадбирларни бажариш бўйича иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(Сессия ҳақидаги ҳисобот газетанинг келгуси сонларидан бирида эълон қилинади).

БИЛДИРИШ

Тошкент область журналистлар ташкилоти правлениесининг бюроси хабар қиладики, область журналистлари ҳисобот-сайлов конференцияси 10 декабрда соат 11.00 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг мажлислар залида (4 қават) очилади.

Конференция делегатларя шу ернинг ўзида 10 декабрда соат 9.30 минутдан бошлаб рўйхатга олинади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Бошн 1-бетда).

Марказий Комитетнинг ноябрь Пленумида сўзлаган нутқида ўртоқ Л. И. Брежнев «План тасдиқлангандан кейин ҳаётимиз ва фаолиятимизнинг қонуни бўлиб қолади, бас, шундай экан, ишчидан тортиб, министргача — ҳамма планни қонун деб, партия ва давлатнинг жуда муҳим ҳужжати деб билиб, шунга яраша муносабатда бўлишга мажбур, — деб таъкидлади.

Шаҳар ва район партия комитетлари КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV Пленумининг кўрсатмаларига мувофиқ давлат топшириқларини бажаришга масъул бўлган кишиларнинг ишчанлик ва сиёсий фазилатлари тўғрисидаги масалаларни принципиаллик билан ҳал қилишлари керак. Яқин вақт ичида министрликлар ва идоралар билан бирга ҳар бир колоқ корхона, цех, участка фаолиятини пухта таҳлил қилиб, камчиликларни тугатиш ва планнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чораларини кўриш лозим.

Беш йиллик планда ишлаб чиқариш транспорт ва алоқанинг ҳамма турларини янада ривожлантиришни талаб этади. Транспорт ва алоқа корхоналарининг коллективлари халқ хўжалик юкларини ва пассажирлар ташиш топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар. Бироқ, ташишни ташкил этишдаги мавжуд жиддий камчиликлар суст барбараф этилмоқда.

Тошкент темирйўл бўлинмаси тайёр маҳсулотни ташиш, хом ашё ва материалларни элтиб қўйиш бўйича ҳамон катта қийинчилик билан ишламоқда. Автотранспортнинг бўш қатнаш ҳоллари ҳамон кўп бўлмоқда, маркалашган усулда ташиш суст жорий қилинмоқда. Граждан авиацияси корхоналарида ишни ташкил этишда камчиликлар юз бериб турибди. Автомобиль йўлларининг аҳволи ҳозирги талабларга тўла жавоб бермайди. Алоқа воситаларининг ривожланиши халқ хўжалиги ва аҳоли талабларидан орқада қолмоқда.

Барча хўжалик раҳбарлари, партия ташкилотларининг вазифаси яқин вақт ичида темирйўл транспортидаги аҳволни кескин яхшилаш, у ерда интизомни мустаҳкамлашдан иборат. Буни биз уддалай оламиз, шундай қилишга мажбурмиз ҳам.

КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленумида капитал қурилиши масалаларига алоҳида эътибор берилди. Ўн биринчи беш йилликнинг характерли хусусияти, ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нутқида таъкидлаганидек, капитал маблағни камроқ ўстириб, асосий фондларни ишга туширишни анча кўпайтиришни кўзда тутишдан иборат. Бизнинг областимизда давлат капитал маблағларини 16 процент кўпайтириш, асосий фондларни ишга туширишни эса 18 процент кўпайтириш назарда тутилган. Бу вазифани бажариш учун қурувчилар, монтажчилар, саноат корхоналари ходимларининг фидокорона меҳнатлари натижасида областда бу йил Олмалиқ конметаллургия, Ўзбекистон металлургия комбинатларида қувватлар ишга тушди, Ғазалкент ГЭСининг иккинчи ва учинчи блоклари, Чирчиқдаги сут заводи, «Ўртоқ» кондитер фабрикасининг филиали, бир қатор қишлоқ хўжалик ва социал маиший аҳамиятга эга бўлган объектлар ишга тушди.

Кўпгина қурувчилар ва монтажчилар коллективлари, шу жумладан, «Узбекпахтострой», Чирчиқдаги 160-, «Узбекгидроэнергострой», «Ташметрострой», «Ташоблколхозстрой» трестлари яхши ишламоқдалар. Улар планлаштирилган қувватлар ва объектларни ўз вақтида ва муддатидан илгари ишга туширмоқдалар.

Бироқ, бир қанча трестлар, қурилиш бошқармалари ва ташкилотлари қурилиш-монтаж ишлари планларини бажармаяптилар, меҳнат унумдорлигини оширишнинг белгиланган суръатларини таъминламаяптилар, объектларни ишга тушириш муддатларини орқага суриб юбормоқдалар.

Бунинг учун биринчи навбатда айб 6-трест «Ташпромстрой», «Узбекметаллургстрой» «Алмалиқградострой» трестлари, «Главташкентстрой»нинг 4, 6, 8-трестларидадир. Бу коллективларда материал, техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун, қўл меҳнатини қисқартириш, илғор тажрибаларни кенг жорий этиш учун қатъий ва изчил кураш олиб борилмайди.

Бу камчиликларни тезроқ бартараф этиш, йилнинг қолган вақти ичида планлаштирилган асосий фондларни ишга туширишни таъминлаш, йилига 450 минг тонна қувватга эга бўлган олтингугурт кислотаси ишлаб чиқариши, Қалмоққир конида, Олмалиқ мис саралаш фабрикасида қувватларни, Ангренда 1 миллион 800 минг квадрат метр керамика плиткалари ишлаб чиқарадиган комплекс сингарн ноёб объектларни ишга тушириш зарур. Чирчиқда аммиак ишлаб чиқарадиган, Бекободда «300»-стан, Чиноза аралаш озуқа ишлаб чиқарувчи завод, Янги Ангрен ГРЭСи ва бошқа кўпгина объектларни ишга тушириш учун зарур ҳажмдаги ишларни бажариш керак.

Шаҳар ва район партия комитетлари қурилиш ташкилотларн ишга раҳбарликни жиддий равишда яхшилашлари керак. Қурилиш майдонларида юксак уюшқоқлик ва интизом бўлишини таъминлаш, бинокорлар ва монтажчиларга юқори меҳнат унумдорлигига эришиш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш лозим.

Партия комитетлари, буюртмачилар, қурилиш, монтаж ва лойиҳа ташкилотларининг раҳбарлари пландаги барча объектларни нуқсонсиз ва юқори сифат билан ўз вақтида ишга туширишни, белгиланган қурилишлар бўйича давлат планларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашни ўзларининг шон-шараф ишлари деб билишлари керак.

Ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқида озиқ-овқат проблемаси бу беш йилликда ҳал қилиниши лозим бўлган энг муҳим вазифалардан бири эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу вазифани бажармоқ учун энг аввало қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, тармоқлар самарадорлигини ошириш, шу асосда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мўл-кўл таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленуми ва Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясининг бу соҳада белгиланган вазифаларини бажаришда Тошкент области меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқлари лозим.

Бу беш йилликда қишлоқ хўжалигида ўртача йиллик ялпи маҳсулот етиштиришни 20—22 процент ўстириш вазифаси турибди. Чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларининг барча турларини мўл-кўл етиштириш лозим. XI беш йиллик вазифалари қанчалик улкан бўлмасин, уларни бажариш мумкин.

1981 йилги иш якунлари буни яққол кўрсатиб турибди. Область деҳқонлари КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг доимий ёрдамига таяниб, табиат қийинчиликларини ўзларининг эўр уюшқоқликлари, тажриба ва маҳоратлари билан енгдилар, барча қишлоқ хўжалик экинларидан эртани ва мўл ҳосил етиштирдилар. Айниқса, шоли пахтакорларимиз эришган муваффақият барчани қувонтирди. Улар давлатга пахта сотиш юзасидан олинган план ва социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар.

Областда пахта ва бошқа хил қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш юзасидан социалистик мажбуриятларнинг тўла бажарилганлиги муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежнев йўллаган табрикнома биз учун бебаҳо мукофот бўлди, деб таъкидлади докладчи. Область пахтакорлари XI беш йилликнинг биринчи йилида давлатга 490 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Бу ўтган йилги рекорд натижадан ҳам юқори кўрсаткичдир. Ҳар гектар майдондан 36 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Бу X беш йилликдаги ўртача йиллик кўрсаткичдан 2,8 центнер юқоридир.

Эришилган ютуқларга областнинг барча район ва шаҳар меҳнаткашлари, студентлар, ўқувчи-ёшлар муносиб ҳисса қўшдилар. Лекин олдинги йилларда бўлгани сингари бу йил ҳам йиғим-теримда шоли механизаторлар ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Уларнинг фидокорлиги, техникадан самарали фойдаланишдаги маҳоратлари туфайли ялпи ҳосилнинг 86 процентн ёки 421 минг тоннадан ортиғ «оқ олтин» зангори кема»лар билан йиғиштирб олинди.

Ғалаба, Оққўрғон, Бўка, Коммунистик, Пискент ва Чиноз районлари ҳосилнинг 87—96 процентини машиналар билан териб олдилар. Ҳар бир терим машинасининг ўртача унумдорлиги 147 тоннани ташкил этди. Кўпгина механизаторлар 300—350 тоннадан ошириб пахта тердилар.

Пахта ҳосилдорлигини оширишда Бўка, Пискент, Ўрта Чирчиқ районларининг колхоз ва совхозлари яхши натижаларга эришдилар. Ғалаба районидаги «Победа» ва «Ленинград», Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» ва «Коммунизм», Пискент районидаги «Гулистон» колхозларида ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 48—51 центнерга етказилди. Ғалаба районида ва областдаги 25 та хўжалик коллективи ҳар гектар майдондан 40 центнер ва ундан ҳам юқори, 42 та бригада эса 50 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олдилар.

Ўртоқ М. М. Мусахонов колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар ва сузчилар, хўжалик раҳбарлари ва мутахассислар, ишчилар, хизматчилар, студентлар ва ўқувчилар, барча партия, совет, хўжалик активига фидокорона меҳнатлари ва қутлуғ ғалабага қўшган муносиб ҳиссалари учун область партия комитети ва область ижроия комитети номидан миннатдорчилик изҳор этди.

Шундан сўнг докладчи «Ташплодоовощ» бирлашмаси, область матлубот жамияти, область ва шаҳар савдо бошқармалари, умумий овқатланиш корхоналари катта роль ўйнашлари керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленумида қилган докладида республикада чорвачиликни янада тез суръатлар билан ривожлантиришнинг қўшимча тадбирлари ҳақида гапирилди. Пленум қарорида XI беш йилликда чорвачиликни ривожлантиришнинг конкрет программаси белгилаб олинди. Бу вазифани бажаришда область партия ташкилотлари, Совет, хўжалик органлари муносиб ҳисса қўшишлари керак.

Ўнинчи беш йилликда шахсий хўжаликларда боқиладаётган моллар ва паррандалар анча кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ошди. Чорвачиликнинг ўртача йиллик ялпи маҳсулоти тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 46 процент ўсди. 25 ноябрда давлатга гўшт ва сут сотиш давлат планлари муддатидан олдин бажарилди. 11 ойда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт 37 та колхоз ва совхозлардан ҳар гектар майдондан 35 центнердан кам ҳосил олди. Янгийўл районидаги «Ленинизм» ва Н. Ниёзов номли колхозлар, 55 та бригада коллективи давлатга пахта сотиш планини бажара олмади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларнинг партия ташкилотлари, раҳбарлари ва мутахассислари пахта тайёрлаш планининг нима учун бажарилмаганлигини, ҳосилдорликни оширишдаги қолоқликнинг сабабларини атрофлича анализ қилишлари, бу камчиликларни тугатиш тадбирларини белгилашлари, пахта етиштиришни янада кўпайтиришга таъминлашлари лозим.

Бу йил областимиз лубкорларн яхши натижаларга эришдилар. Улар давлатга планга қўшимча салкам 18 минг тонна қимматбаҳо техника хом ашёсини етказиб бердилар. Каноп етиштириш агротехникасини янада яхшилаш, йиғим-терим ишларини комплекс механизациялаш асосида бу экиндан янада мўлроқ ҳосил олиш чораларини кўриш лозим. Бу масалага Коммунистик, Ғалаба, Янгийўл ва Бўстонлиқ районлари алоҳида эътибор беришлари керак. Бу районлардаги хўжаликларда ҳосилдорлик пасайиб, етиштирилаётган каноп ҳажми камайиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети областимиз партия ташкилоти олдига дон етиштиришни янада кўпайтиришдек муҳим вазифани қўйган. Бу вазифани бажаришда маълум ютуқлар қўлга киритилди. Маккажўхори дони ялпи ҳосили 1976 йилгига нисбатан 68,5 минг тонна, ёки қарийб 1,9 марта кўпайди. Бу 1981 йилда 247 минг тонна дон етиштириш имконини берди. Бу ўнинчи беш йилликда эришилган ўртача йиллик кўрсаткичдан анча юқоридир. Давлатга 105 минг тонна дон сотилди. Бу планда кўзда тутилганидан 30 минг тонна кўпдир.

Область хўжаликлари дон учун экилган маккажўхорига ишлов бериш технологиясини янада такомиллаштириш йўли билан ҳосилдорликни янада оширишлари керак. Келгуси йилда маккажўхоризорларни кам деганда 26 минг гектарга етказиш ва 177 минг тонна дон олиш вазифа қилиб қўйилмоқда.

Областимизда полизчилик, сабзавотчилик ва картошачилик тобора ривожланиб боряпти. 1981 йил бу экинлардан мўл ҳосил олинди. Дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича барча категориядаги хўжаликлар бўйича 1,2 миллион тонна сабзавот, полиз маҳсулотлари, мева, узум ва картошка етиштирдилар. Бу ўтган йилдаги кўрсаткичдан 15 процент кўпдир.

Биз юксак марраларга эришдик. Лекин КПСС XXVI съезди қўйган вазифалар нуқтаи назаридан бажарилган ишларга назар ташласак, озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун область районлари, биринчи навбатда ихтисослашган районлар яна кўпгина тадбирларни кўришлари лозимлигини сезамиз. Теплицалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, эртаки сабзавот экинлари, лимонлар, картошка етиштиришни кўпайтириш муҳим вазифалардандир.

Омборхоналар қурилишини тезлаштириш ҳам муҳим ишдир. Маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш, сабзавот савдосини намунали йўлга қўйиш лозим. Бу вазифаларни ҳал этишда ички ўзларининг чорвачилик ёрдамчи хўжаликларига эга бўлсинлар. Қишлоқ аҳолисига шахсий хўжаликда моллар боқиш учун зарур ёрдам кўрсатилиши керак. Бу секторнинг гўшт, сут, тухум етиштиришдаги имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим.

Чорвачиликни жадал ривожлантириш учун унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш зарур. Ҳар бир хўжалик озуқа етиштиришни кўпайтириш бўйича беш йиллика мўлжаллаб тузилган комплекс программани сўзсиз бажариши, суториладиган ҳар гектар ердан 9—10 тонна озуқа бирлиги олишга эришиши лозим.

1982 йилда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш юзасидан қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш ўзимизнинг уюшқоқлигимизга, тадбиркорлигимизга боғлиқ. Барча хўжаликлар ва райондар кузги-қишки ишлар комплексини сифатли бажариш, чорва қишловини намунали ўтказиш юзасидан кундалик вазифаларни белгилаб олганлар. Уларнинг бажарилиши устидан пухта назорат ўрнатиш, социалистик мусобақа якунларини муттасил чиқариб бориш, йўл қўйилган нуқсонларга бартараф этиш учун шошилинч чоралар кўриш керак.

Ҳозирданоқ экиш кампаниясига тайёргарликни бошлаш керак. Барча жойларда техника ремонтини кучайтириш, уруғлик ғамлаш, минерал ўғитлар ва бошқа химиявий воситаларни ташиб олиш, ерларни планировка қилиш ва ўзлаштириш суръатини ошириш, суғориш, коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш, органик ўғитлар тайёрлаш ва уларни далага ташиб чиқариш шу кунниг муҳим вазифаларидир.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, хўжаликларнинг партия ташкилотлари ва раҳбарлари мутахассис кадрлар, ўрта звено ва оммавий касб раҳбарлари составини мустаҳкамлаш, қишки пайтда ўқитиш ва малакаларини ошириш билан алоҳида шуғулланишлари керак.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларини кўйган вазифалар кенг қамровлидир. Уларни бажармоқ учун шаҳар ва район партия комитетлари экономикага раҳбарлик қилишдаги ўз иш услублари ва методларини доимо такомиллаштириб боришлари керак. Бошланғич партия ташкилотлари, ҳар бир коммунист қанчалик актив ва жанговар бўлса хўжалик ва тармоқларини ўзларига қўлга киритилаётган ютуқлар қўлами шунчалик кенгроқ бўлаверади.

Шаҳар, район партия комитетлари пленумларида, партия-хўжалик активи, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида, меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми якунларини, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида баён этилган қонда ва хулосаларни атрофлича муҳокама қилиш ва уларни амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаб олиш лозим.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорлари асосида гўшт, сут ва тухум етиштиришни янада кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлашда хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни оширишлари лозим.

КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IV пленуми қарорлари асосида бу беш йилликда областнинг барча категориядаги хўжаликлари йилига ўртача 98,6 минг тонна гўшт, 392,6 минг тонна сут, 596,2 миллион дона тухум етиштиришлари зарур. Ёки 1985 йилга бориб 1980 йилга нисбатан гўшт етиштиришни 47 процент, сут етиштиришни 36 процент, тухум олишни 61 процентга ошириш мўлжалланган.

Бу вазифаларни сўзсиз бажариш учун партия комитетлари, Совет ва хўжалик органлари бир ойлик муддат ичида 1982 йил ва беш йилликнинг қолган йиллари учун конкрет ташкилий-хўжалик тадбирларини ишлаб чиқишлари керак. Бунда асосий эътибор молларни жадал семиртириш, чўчқачилик ва паррандачиликни тез суръатлар билан ривожлантиришга қаратилиши лозим. Фермалар, комплекслар, паррандачилик фабрикалари, ёрдамчи чорвачилик хўжаликларини моллар билан тезроқ тўлдириш, моллар ва паррандалар, биринчи навбатда ургочи моллари кўпайтириш, подаларни кенгайтириш, урчитиш ишларини яхшилаш, отчилик, қуёнчилик, асаларичилик, балиқчиликни ривожлантиришни таъминлаш керак. Ҳар бир саноат корхонаси, қурилиш, транспорт, алоқа ташкилотлари, министрликлар ва идоралар 1—2 йил ичида сўзлаган нутқини эўр кўтаринкилик билан кутиб олдилар, — деди у. — Шаҳримиз механизаторлари самарали ва сифатли ишлайлик деган шиорни баланд кўтариб қувончли ютуқларга эришмоқдалар. Энг муҳим саноат маҳсулотларини реализация қилиш ўн бир ойлик плани шаҳримизда 24 ноябрда муваффақиятли бажарилди. Планга қўшимча 47 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Шаҳар партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари ўз иш услублари ва методларини такомиллаштиришга, коммунистлар активлигини ва топшириланган иш учун улар масъулиятини оширишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Нотиқ бу соҳада эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга ликда асосий эътиборни ҳал қилинмаган вазифаларга, камчилик ва нуқсонларга қаратди. Ҳамма ерда ҳам ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланияпти, деб бўлмайди. Айниқса, реконструкция қилинаётган корхоналар партия ташкилотларн бу масала билан чуқурроқ шуғулланишлари, оммани тежамкорлик учун курашга сафарбар этишлари лозим.

Шаҳардаги корхоналардан 3 таси маҳсулотни реализация қилиш планини, бир қатор корхоналар эса социалистик мажбуриятларини бажара олмади. Бундай қолоқликка барҳам бериш керак.

Капитал қурилиши соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам ҳали тугатилгани йўқ. Бир қатор объектлар қурилиши ниҳоятда сустлашлик билан олиб борилмоқда. Ваҳоланки, бу беш йилликда кўплаб уникал объектларни ишга тушириш планлаштирилган. Бунинг учун қурувчилар иш суръати ва сифатини бутун чоралар билан оширишлари зарур. Объектларда тузилган партия штаблари ишини яна ҳам аниқ ташкил қилиш, тугалланмаган қурилишлар сонини қисқартиришга эришиш керак. Бунда министрликлар ва идоралар партия ташкилотлари яхши кўмакдош бўла оладилар. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларига жавобан тошкентликлар яна ҳам юксак унум билан меҳнат қиладилар, бутун имкониятларини зиммадаги топшириқларини бажаришга сафарбар этадилар, деб ишонтирди нотиқ.

Минбарда Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Орифжонов.**

Шаҳримиз саноатчилари энг муҳим буюмлар ишлаб чиқариш ўн бир ойлик планини муваффақиятли бажардилар, — деди у. — Қўшимча 4 миллион сўмликдан қўпроқ маҳсулот тайёрланди. Турар-жойлар қурилиши плани ҳам бажариб келинмоқда. Янги Ангрен ГРЭСи қурилиши тез суръатлар билан олиб бориляпти.

Шунга қарамай ҳали ҳам қатор корхоналар, цех ва участкаларнинг бир маромда ишлаши тўла таъминланмаяпти. Қурилиш учун сарфланаётган ҳар бир сўмнинг самарадорлиги ошмаяпти. Иш муваффақияти аниқ планлаштиришга боғлиқдир. Сир эмас, йил давомида планлар бир неча марта ўзгартириб турилади. Республика қурилиш министрлиги уй-жой қурилиши планини белгилашда ва уни амалга оширишда ингренликларга ёрдам бериши зарур.

Ғалаба район партия комитетининг биринчи секретари **Ш. Ш. Ҳадралиев** механизаторларни ўзимиздаги топшириқларни бажаришга сафарбар этишда район партия ташкилоти кўраётган тадбирлар ҳақида гапириб берди. Саноат маҳсулотларн ишлаб чиқариш ўн бир ойлик плани районда 20 ноябрда муваффақиятли бажарилди. Планга қўшимча кўплаб миқдорда саноат маҳсулоти тайёрланди.

Район пахтакорлари бу йил давлат хирмонига 61 минг тонна «оқ олтин» армугон этдилар. Гектар бошига 40,2 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ялпи ҳосилнинг 90 процентн машиналар бункеридан тўкилди. Лекин «Узбекистон ССР 5 йиллиги» совхози ва «Москва» колхози пахта етиштириш ва давлатга сотишда ўтган йилги даражага эриша олмадилар.

Нотиқ жамоат чорвачилигини ривожлантириш резервлари устида ҳам тўхталди. Чорвачилик объектлари қурилиш учун ҳозир районга механизациялашган кўчма колонна зарур бўлиб қолди.

В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати кўпўлчов бойитиш фабрикаси созловчиси **Н. В. Авраменко** ўз ҳамкасблари эришаётган ютуқлар ҳақида пленум қатнашчиларига гапириб берди. Бу коллективда меҳнатни бригада усулида ташкил қилиш формаси қарор топган. Кейинги 3 йил давомида фабрикадаги технологик ускуналарнинг 25 процентн янгиланди. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини янада ошириш имконини берди. Фабрикада бошқа ташкилий-техникавий тадбирлар ҳам изчиллик билан бажарилмоқда. Яқин вақт ичида ускуналарнинг яна 10 процентн янгиланади. Ҳозир ишчиларнинг бутун эътибори СССР ташкил топган кунинг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига қаратилгандир.

Бекободлик пахтакорлар бу йил йиғим-теримни тез ва соз ўтказишда яхшигина тажриба тўпладилар. Район ижроия комитетининг раиси **З. Қ. Қодиров** илғор пахтакорлар эришган муваффақиятлардан, йиғим-теримни ташкил этишда қўлланилган самаралн усуллардан гапириб берди.

Чирчиқдаги 160-қурилиш трести бошқарувчиси **А. Керимов** коллектив ўртасида олиб борилаётган ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишлар устида тўхталди. 600 дан ортиқ қурувчи ва битта бошқарма йиллик планни ҳозирноқ бажариб қўйган. Янги сут заводи аъло баҳолар билан фойдаланишга топширилди. Шаҳарликларга 44 минг квадрат метр тураржой ҳалқ қилинди.

Коллектив ўртасида СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган мусобақа кун сайин кенг кулоч ёймоқда. Коллектив 1982 йил 20 декабргача йиллик планни бажаришга аҳд қилган. Ҳозирги кунда қурувчилар «Чирчиксельмаш» заводида, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида янги цехлар қуриш билан банддирлар. Бу объектлар яқин кунлар ичида фойдаланишга топширилади.

Пленум қатнашчилари Бўка районидаги «Бўка» совхози пахтачилик бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. А. Ковалева**нинг сўзларини эътибор билан тингладилар. Район пахтакорлари бу йил эл хирмонига 81 минг тонна «оқ олтин» ҳадя этиб катта сафар қучдилар. Дон, сабзавот, картошка ва бошқа хил маҳсулотлар етиштириш ҳамда топшириш планлари ҳам ортиғи билан адо этилди. «Бўка» совхози азаматлари уйган хирмон 10 минг тоннадан ошди. М. Ковалева бошлиқ бригада ҳар гектар ердан 41 центнердан ҳосил олди. Бригада аҳли СССР ташкил топган кунинг 60 йиллиги шарафига ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йили учун оширилган мажбурият қабул қилди.

— КПСС Марказий Комитетнинг ноябрь Пленуми қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқи меҳнат коллективлари мусобақасини янада авж олдиришга ижобий таъсир ўтказмоқда, — деди Киров район партия комитетининг биринчи секретари **М. С. Камолова.** Бу муҳим ҳужжатлар барча жойларда қизиқиб ўрганилмоқда. Коммунистлар ва партиясиз активлар Пленум қарорларига жавобан яна ҳам унумли меҳнат қилишга, СССР 60 йиллиги шарафига бошланган мусобақани авж олдиришга интилмоқдалар.

Социалистик мусобақа ютуқлар гаровидир. Мусобақа туфайли районда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўн бир ойлик планн 24 ноябрда областда ишлаб чиқарилди. Қўшимча 4 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Олий категориядаги сифатли маҳсулотлар ишлаб-чиқариш ҳажми 15 процент ошди.

Район саноатчилари озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ҳар бир корхона ўз оталиғидаги хўжаликларда чорвачилик объектлари қурилиши устидан пухта назорат ўрнатганлар. Бу тадбир ҳадемай кутилган самараларни беради.

Нотиқ эътиборни бир қатор ҳал қилинмаган муаммоларга қаратди. Бир қатор корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмай қолаяпти. Капитал қурилиш соҳасида ҳам кўпгина камчиликлар бор. 4-қурилиш трести ва «Главташкентстрой»нинг бошқа бўлинмалари капитал маблағни суст ўзлаштирмоқдалар. Ҳозир бутун кучни ишга туширадиган объектларга жамлаш керак.

Пленумда муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

АЛЛА Козловская ва Асия Зайнуллина Тошкент ёғ-мой комбинати қадоқлаш цехининг пешқадам ишчилари. Комбинат коллективининг ўтган ўн бир ойлик планни ошириб бажаришида бу илғорларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Улар Москва остонасида қозонилган ғалабанинг 40 йиллиги шарафига ўтказилган шанбаликда ҳам юқори самарадорликка эришдилар.

В. Сироткин фотоси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«НОМЗОД ЙЎҚ ЭМИШ»

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 28 август сонида босилган мақолада Ўрта Чирчиқ районидаги Терешкова номли колхозда «номзод йўқ» деган баҳона билан шу даврга ча маданий-маиший ишлар бўйича ранс ўринбосари тайинланмаганлиги, натижада хўжаликда маданий-маиший ишлар қониқарсиз аҳволга тушиб қолганлиги танқид қилинган эди.

Мақола район партия комитетининг бюро мажлисида кўриб чиқилган. Унда келтирилган танқидий мулоҳазалар тўғри, деб топилган ва колхоз правлениеси мавжуд камчиликларни тугатиш учун зарур тадбирлар ишлаб чиққан. Жумладан, кутубхона учун бино ажратилган. Барча дала шийпонларида кутубхоналар ташкил қилинган. Маданий-маиший ишлар бўйича ранс ўринбосарлигига Раҳмат Сайдамиров тайинланган.

Ана шулар ҳақида район партия комитетининг секретари ўртоқ Л. Нуруллаев редакцияга жавоб хати йўллаган.

ПАРРАНДА ГЎШТИ

КЎПАЙТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси XX съезди тарихий қарорларида чорвачиликни интенсив ривожлантириш, гўшт, сут, тухум етиштиришни кескин кўпайтириш масалаларига алоҳида ўрин берилган. Айниқса, парранда гўшти етиштиришни кенг кўламда жадаллаштириш йўл-йўриқлари конкрет белгиланган. Масалан, ҳозир республикамизда йилига ўртача ўнлаб минг тонна парранда гўшти етиштирилаётган бўлса, 1985 йилга бориб бу кўрсаткични, қарийб, бир неча баравар кўпайтириш кўзда тутилади.

Бундай юксалишга, асосан, давлат томонидан ажратилаётган катта ҳажмдаги капитал маблағларни ўзлаштириб, янги йирик паррандачилик фабрикаларини қуриш йўли билан такомиллаштириш, республикадаги бройлер паррандачилик фабрикаларини қуриш йўли билан эришилади. Шу кунларда барпо этилаётган ана шундай 12 та йирик фабриканинг учаси Тошкент областида қурилянти.

Ҳозир етиштирилаётган пархез гўштнинг асосий қисмини бройлер (гўштдор зотли) паррандачилик фабрикалари тайёрлаб бераётир. Бундай ихтисослашган корхоналар республикамизнинг Андижон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро областларида намунали ишлаб турибди. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Наманган областларида барпо этилаётган бройлер паррандачилик фабрикалари ҳам шу йилнинг охирларидан маҳсулот бера бошлайди.

Шу туркумдаги хўжаликларнинг тез кўпайиб бориши республикада ягона бўлган Калинин районидаги «Қорасув» давлат наслчилик паррандачилик фабрикаларига етказиб берилаётир. Бундан ташқари шу ернинг ўзида ҳар йили 250—300 тонна пархез гўшт етиштирилади.

Парранда зотини яхшилаш соҳасидаги катта ютуқлари учун завод Бутуниттифоқ конкурсида икки марта голиб чиқиб, СССР қишлоқ хўжалик министрлигининг биринчи даражали дипломлари билан тақдирланди. Кейинги икки йил давомида паррандачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасида эришган муваффақиятлари учун область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Коллектив бундай ютуқларга мавжуд цехларни кенгайтириш, қайта жиҳозлаш, технологик жараёнларни мукаммаллаштириш, янги цехлар қуриш, зооветеринария фани ютуқларини, илғор тажрибаларни кенг қўлланиш ҳисобига эришмоқда. Жўжахоналарда Германия Демократик Республикасидан келтирилган Р-30 маркали технологик жиҳозлар ўрнатилган. Асосий иш жараёнлари — озуқа ва сув бериш, тозалаш, ёруғлик билан таъминлаш автоматлаштирилган.

— Завод инкубаторисида очирилган жўжаларни тўла сақлаб қолиш, соғлом ўстириш ва маҳсулдорлигини оширишдек бош ветеринария врачи В. Маҳмудов, — аввало, хоналарда мўътадил иссиқлик яратиш, жўжаларни тўйимли озиқлантириш, даволаш-профилактика ишларини ўз вақтида амалга оширишга боғлиқдир. Бу тадбирлар, шунингдек, тухум ва парранда гўшти етиштиришни кўпайтиришда ғоят муҳим роль ўйнайди.

Заводда ўз ишининг устаси бўлган кадрлар кўпаймоқда. Хўжалик бош зоотехниги Олег Хан, бош экономист Тоҳир Алимовнинг меҳнатларидан ҳамма мамнун. Ташаббускор жўжабоқар ва товуқбоқарлар, слесарь ва операторлар, лаборант ва санитарлар корхона ютуғини кўпайтиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Масалан, оператор-жўжабоқар Ф. Абдукаримова бу йил 20 минг бош жўжанинг 99 процентини соғлом сақлаб қолди. Тадбиркорлик билан иш юритди. У пландаги 34 тонна ўрнига 38 тонна гўшт етиштирди. Г. Галямова, Е. Пак сингари жўжабоқарлар ҳам яхши меҳнат қилмоқдалар. Р. Шоҳимардонова, М. Мирахмедова, М. Гречко сингари тажрибали товуқбоқарлар ўзларига биркитилган товуқлардан йилига пландаги 160 дона ўрнига 200—220 донадан тухум олмоқдалар.

Лекин шу билан бирга заводда ҳали фойдаланиш мумкин бўлган резерв ва имкониятлар ҳам йўқ эмас. Айрим цехларда шароит бир хил бўлгани билан ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш турлича бўлмоқда. Озуқадан тежаб-тергаб фойдаланишга ҳам жиддий эътибор бериш керак. Баъзи цехларда қатакларнинг бўш қолиш ҳоллари ҳам учраб туради. Бунинг боиси парранда кеч қўйилаётганлигидир. Оқибатда товуқлар сони камайиб кетади. Товуқбоқарларнинг тез-тез алмашиб турилиши ҳам жўжаларни парваришлаш даврида бир мунча камайиб кетишига олиб келаётир.

Юборилаётган озуқаларнинг сифати баъзида талабга жавоб бермайди. Унинг таркибида зарур микроэлементлар, витаминлар етишмайди. Бу, албатта, жўжаларнинг соғлом ўсишига салбий таъсир кўрсатади.

Янги қурилишлар учун ажратилган капитал маблағларни ўзлаштириш суръатлари ҳамон суст. 23-қурилиш трести коллективи йиллик планларини суриқасига бажармаяпти. Янги объектлар шу тўфайли ўз вақтида ишга туширилмаяпти. Табиийки, янги объектларнинг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилмаслиги янги ишга тушаётган фабрикаларни зотдор парранда тухумлари билан тўла таъминлаш ишини бир мунча мушкуллаштириб қўймоқда. Трест коллективи бу соҳадаги масъулиятсизликка чек қўйиши, ишда кескин бурилиш ясаши лозим.

Янги беш йилликда парранда гўшти етиштиришни беш баробар кўпайтиришдек масъулиятли вазифа қўйилган. Бу вазифани муваффақиятли ижро этиш учун завод коллективи барча тадбирларни амалга оширадилар, деб ишонамиз. Бунинг учун қолоқларсиз ишлаш шиори остида социалистик мусобақани кенг авж олдириш, илғор иш тажрибалари, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга дадил жорий этиш талаб этилади.

Т. ҒАНИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.



СУРАТЛАРДА: (чапдан) наслчилик парранда заводининг бош зоотехниги Олег Хан, катта зоотехник Собир жон Шокиров (ўртада) ва селекционер Эмма Сентумарова ўртоқлар товуқларининг кунлик ўсишини текширишмоқда; (ўртада) наслчилик заводининг 14-цехида; ўнгдаги суратда эса пешқадам парранда-боқар Галия Шагимардонова. У ўзига биркитилган 7,5 минг бош паррандани сифатли парвариш қилаётир.

А. Абалян фотолари.

ЁШЛИК ШИЖОАТИ—БЕШ ЙИЛЛИККА

Областимиз комсомол ташкилотлари ҳаётида маъсулиятли давр бошланди: район ва шаҳар комсомол конференциялари бўлиб ўтмоқда. Бу конференцияларда минглаб йигит-қизларимизнинг партия XXVI съезди белгилаган улуғвор режаларини бажариш йўлидаги фидокорона меҳнатларига, ВЛКСМ XIX съезди ва Ўзбекистон комсомолининг XXII съезди, ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлидаги фаолиятларига баҳо берилади. Уларнинг олдиларида турган янги вазифалар белгилаб олинади.

Яқинда Ҳамза район комсомол конференцияси бўлиб ўтди. Қуйида конференция иши тўғрисидаги ҳисоботни эълон қиляпмиз.

Авиасозлар саройи бугун серфайз ва тавжум. Фойелардаги стенд ва диаграммаларда Ҳамза райони ёш меҳнаткашларининг ишлаб чиқаришдаги муваффақиятлари акс эттирилган. Делегатлар уларни қизиқиш билан кўздан кечиришмоқдалар. Йиғилган йигит-қизлар орасида коммунистик меҳнат зарбдорлари, ишлаб-чиқариш илғорлари, оталаримизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттираётган ёшлар бор. Уларнинг ўзаро суҳбатларига қулоқ солсангиз конференцияга муносиб совғалар тайёрлаб ёруғ юз билан келганликларига ишонч ҳосил қиласиз.

— Ўтган икки йил ичида, — дейди В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол ташкилотининг вакили А. Маҳмудов, — районимиз ёшлари 4,5 мингдан зиёд рационализаторлик таклифларини ва янги ихтироларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этдилар. Бу халқ хўжалигига 870 минг сўмликдан зиёд иқтисодий самара келтирди.

Аҳмаджоннинг ўзи ҳам районда энг яхши ёш рационализаторлардан биридир. Ҳисобот даврида районда 13 мингдан зиёд йигит-қиз рационализаторлик ва ихтирочилик ишларида актив иштирок этди. Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ва 4-нон маҳсулотлари комбинати комсомол ташкилотлари бу соҳадаги ишларни яхши йўлга қўйганликлари учун Ўзбекистон ЛКСМ Марказий комитети, Ўзбекистон ССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, республика меҳнатни илмий ташкил этиш совети ва Бутуниттифоқ рационализаторлик ва ихтирочилик жамияти республика Советининг дипломлари билан тақдирландилар.

Бундар район комсомол ёшларининг кейинги йилларда қўлга киритган ютуқларидан бир шингили холос. Конференцияда меҳнаткаш йигит-қизлар, студент-ёшлар, барча комсомоллар эришган муваффақиятлар алоҳида тилга олинди.

— Ўн биринчи беш йилликнинг ўтган ойлари давомида, — деди ҳисобот докладида район комсомол комитетининг биринчи секретари И. В. Нежданов—корхоналаримизда планга қўшимча равишда қарийб 20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 24 та корхона ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни ошириш суръатлари бўйича план топшириқларини муттасил ортиғи билан бажариб келмоқда. Қурилиш ташкилотлари ҳам кейинги йилларда суръатга суръат қўшиб, бир қанча объектларни муддатидан илгари фойдаланишга топширдилар. Мана шуларнинг ҳаммасида ёш ҳамзаликларнинг муносиб улушлари бор.

Ҳисобот даврида район комсомол комитети, барча комсомол ташкилотлари социалистик мусобақани ташкил этиш ва унинг форма ҳамда методларини такомиллаштириш юзасидан зарур тадбирларни амалга оширдилар. Айниқса, авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида, биринчи уйсозлик комбинатида, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасида бу соҳада яхши тажриба тўпланган. Мазкур корхоналарда ёшлар ўртасидаги мусобақанинг таъсирчанлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида натижалар мунтазам равишда якунланиб, махсус стендларда ғолиблар ва уларнинг кўрсаткичлари кўрсатиб борилади.

Социалистик мусобақада комсомол-ёшлар коллективлари юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Улар янги-янги ташаббуслар билан чиқиб, меҳнатни ташкил этишнинг барча илғор формаларидан унумли фойдаланмоқдалар. Бу эса ёшларда актив ҳаётий позицияни шакллантиришда ёрдам беряпти. Шу боисдан ҳам комсомол-ёшлар меҳнат қилаётган коллективлар иш самарадорлиги 10—15 процент юқори бўлмоқда.

Районда ҳаммаси бўлиб 565 та комсомол-ёшлар бригадалари фаолият кўрсатмоқда. Улар кейинги 2 йил ичида ажойиб ташаббуслар билан майдонга чиқдилар. Жумладан, «Тошкент» тепловоз депоси комсомол-ёшлар коллективлари КПСС XXVI съезди шарафига зарбдор вахтада туриб ишлаб, съезд кунлари поездларни тежаб қолинган ёқилғида юргазиш ташаббуси билан чиқдилар. Бундай ташаббуслар ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида айниқса кўплаб юзага келди.

Лекин барча корхоналарда ҳам комсомол ташкилотлари социалистик мусобақани ташкил этишда кўнгилдагидек натижаларни қўлга киритяптилар, деб айтиш қийин. Докладчи ва музокараларда сўзга чиқган Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол ташкилоти секретари Р. Азимов, «Подъёмник» ишлаб-чиқариш бирлашмаси йигувчи-слесари Ю. Коробов ва бошқалар комсомол ёшлар коллективлари ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш ва унга раҳбарлик қилишда комсомол ташкилотлари иш формма ва методларини янада такомиллаштириш кераклигини таъкидладилар.

Конференция делегатлари, шунингдек, район комсомол комитетининг мактаблар, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари комсомоллари билан ишлашдаги фаолиятига, комсомол сиёсий маорифи, оммавий-сиёсий, идеологик ва тарбиявий ишларни йўлга қўйиш, комсомол сафини ўстириш, ВЛКСМ аъзоси бўлмаган ёшлар билан ишлашдаги фаолиятига ҳам баҳо бердилар. Бу соҳаларда ҳам муайян ютуқлар қўлга киритилган бўлсада, ҳали район комсомол комитети ёшларни совет халқининг энг яхши анъаналари руҳида тарбиялаш, уларда коммунистик дунёқараш ва актив ҳаётий позицияни шакллантириш борасида кўпгина ишларни амалга ошириши лозим.

Ҳозир барча комсомол ва ёшлар ВЛКСМ XIX съезди ва республика комсомолининг XXII съездини, ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун актив курашмоқдалар. Бу курашда Ҳамза райони йигит-қизлари ҳам қатнашмоқдалар. Улар бошлаб бераётган ватанпарварлик ташаббуслари шаҳар ва область комсомоллари орасида ўз издошларини топмоқда. Конференция қарорида энг яхши комсомол ташкилотларидан бири, деган номга муносиб қолиш, бунинг учун эса делегатлар тилга олган айрим камчилик ва нуқсонларни тезроқ бартараф этиш талаб этилади.

Конференцияда область комсомол комитетининг иккинчи секретари В. А. Котов нутқ сўзлади.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов иштирок этди.

* * *

Бўлиб ўтган ташкилий пленумда И. В. Нежданов район комсомол комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

А. АБДУЛЛАЕВ.

КОМСОМОЛ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

КАТТА ҲАЁТ САҲИФАЛАРИ

Ленин район партия комитетти ўтказган илмий-амалий конференция ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» китобига бағишланди.

Конференцияни район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Чурсин кириш сўзи билан очди. Конференцияда иштирок этган пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, сиёсий докладчилар, партия, комсомол ходимлари Тошкент темирйўл транспорти инженерлари институти доценти, фалсафа фанлари кандидати Ш. Зухриддиновнинг «Меҳнаткашларни ғоявий-маънавий жиҳатдан тарбиялашда Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» китобининг роли» деган темада қилган докладини зўр қизиқиш билан тингладилар.

Шундан сўнг сўзга чиққан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти партия комитетининг секретари Т. Бобожонов партия ташкилотларида ленинча иш услубини қарор топтириш ва такомиллаштиришда ўртоқ Л. И. Брежнев асарлари кўрсатаётган амалий ёрдам тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

Октябрь революцияси номли завод слесарлар бригадаси бошлиғи Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Н. М. Железновнинг сўзларини конференция қатнашчилари зўр қизиқиш билан тингладилар. Ў ўртоқ Л. И. Брежнев асарларининг ёшларни меҳнат тарбиясидаги ролини мисоллар билан шарҳлаб берди.

Конференцияда 158-мактаб директори Н. А. Феоктисова, район комсомол комитетининг секретари В. С. Суркова ўртоқлар ҳам китобдан олган ўз таассуротларини мароқ билан сўзлаб бердилар. Бу асарнинг ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Конференцияда «Эсдаликлар» китобини ўрганиш ва пропаганда қилиш юзасидан тавсиялар қабул қилинди.

ЧЎПОНЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

КЕЛЕС массивидаги Жамбул номли ихтисослаштирилган қўйчилик совхозининг коллективи социалистик мажбуриятини барвақт уддалади. Давлатга 590 тонна — топшириқдагидан 8 тонна кўп гўшт топширилди. Бу йил хўжаликда жониворлар яхши семиртирилиб, уларнинг гўштга топшириладиган вазни оширилди. Бу ерда қўйларни бўрдоқига боқадиган махсус бригада ташкил этилган. Давлатга жун топшириш социалистик мажбурияти ҳам муваффақиятли бажарилди.

Совхозда отарлар сони бултургига нисбатан анча ошди. Бу кўп қўзи олиниши натижасидир. Масалан, бош чўпонлардан Омон Шойбеков билан Пўлат Метсиров ҳар юз бош совлиқдан 140 тадан кўпроқ қўзи олдилар.

Совхознинг барча отарлари иссиқ қўралар билан таъминланган. Қўйлар учун ем етарли миқдорда ғамлаб қўйилган. Қўйбоқарлар СССРнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб қишловни муваффақиятли ўтказмоқдалар.

(ЎзТАГ мухбири).

Дунё овози

ТАШВИҚОТЧИЛИК НАЙРАНГИ БАРБОД БЎЛДИ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Пойтахтдаги «Шератон» меҳмонхонасида қариялар-га донр ишларга бағишланган конференция тугади. Шу анжуманни ташкил этишга жазм қилган АҚШ маъмурияти уни кекса америкаликлар тўғрисидаги қалбаки «ғамхўрлик»ни намойиш қиладиган ташвиқотчилик найрангига айлантиришга зўр бериб уринди.

Бироқ, Си-Би-Эс телекомпанияси уқтириб айтганидек, ҳамма макру хийлаларга қарамай, маъмурият «ўз иродасини конференцияга қабул қилдира олмади». «Шератон» меҳмонхонаси залида оддий америкаликларнинг ризқи эвазига мислсиз қуролланиш пойгасини қувватлаш ниятида бўлмаганлиги Вашингтоннинг халқ манфаатларига зид милитаристик йўлини танқид қилувчи газабли сўзлар айтилди.

Конференция делегатларининг катта бир группаси «пул қуролланишга эмас, балки социал эҳтиёжларга сарфлансин!» деган шиор остида Оқ уй ёнида намойиш ўтказди. Улар тарқатган баёнотда, жумладан, бундай дейилади: «маъмурият қуролланиш пойгасини кучайтираётганлиги уруш хавфини анча кўпайтирмоқда, пулнинг қадрини баттар пасайтирмоқда, бюджет камомотини чуқурлаштирмоқда. Рейганнинг солиқ программаси — корпорацияларга ва бойларга совғалар. Бу йўлга қарши курашиш учун куч-ғайратни сафарбар қилиш зарур».

АРАБ ХАЛҚЛАРИГА ТАҲЛИКА

БАЙРУТ. Фаластин қаршилик ҳаракатининг раҳбарлари Вашингтон билан Тель-Авив ўртасида «стратегик ҳамкорлик» тўғрисида тузилган битимни кескин қораладилар. Қаршилик ҳаракати расмий вакилининг бу ерда тарқатилган баёнотида уқтириб ўтилишича, бу битим қандай ёлғон шиорлар билан пардаланмасин, региондаги барча халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигига таҳлика солади. Бу битим Исроилнинг агрессив миллатига солаётган хавфхатарини беқиёс кўпайтиради. Бунга қарши турмоқ учун, деб таъкидланади баёнотда, Фаластин қаршилик ҳаракати Араб мамлакатларини янги агрессив иттифоқ қатнашчиларига қарши курашга бутун кучғайратни сарфлашга чақиради. Шу муносабат билан Фаластин қаршилик ҳаракатининг расмий вакили қўшилмаган давлатлар билан ҳамда араб халқларининг одилона курашини изчиллик билан қўллаб-қувватлаб келаётган Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга ҳамда ривожлантиришга чақирди.

(ТАСС).

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

✦ **БУХАРЕСТ.** Руминияда юзлаб корхоналар чиқиндисиз ишлашга ўтди. Чиқиндиларни ва иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш республика саноатининг мустақил тармоғи бўлиб қолди. Беш йиллик (1981—1985 йиллар) планида саноатнинг шу тармоғи халқ хўжалигининг хом ашёга бўлган талаб—эҳтиёжининг 40—50 процентини таъминлайди.

Руминияда аҳолидан олинадиган, саноатда қайта ишлатишга яроқли иккиламчи хом ашёнинг миқдорини олдиндан белгилашни йўлга қўйдилар. Масалан, ҳозирги беш йилликда аҳоли истеъмол қилиб бўлган 1 миллион 800 минг квадрат метр газлама, 410 миллион жуфт пойабзал, 5,5 миллион дона автомобиль покришкаси, кўп миқдорда қоғоз, ойна ва бошқа буюмлар қабул қилиб олиниши ҳисоблаб чиқилди.

✦ **ДАМАШҚ.** Бу ерда Сурия Араб Республикаси президентининг мамлакат ҳукуматини қайта тузиш тўғрисидаги декрети эълон қилинди. Кабинетга яна Абдул Рауф Қосим бошчилик қилади. Абдил Ҳалим Ҳаддам унинг ўринбосари ва ташқи ишлар министри бўлиб қолди. Мустафо Тилаш мудофаа министри лавозимида қолди. Ҳукумат составига янги тўққизта министр киритилди.

Ҳукумтда иккита ўрин: коммуникация министри ва лавозимсиз давлат министри ўрнини Сурия коммунистлари эгалладилар.

✦ **ТОКИО.** Японияда уй-жой қурилиши ҳажми кейинги 15 йил ичида энг паст даражага тушди. Расмий маълумотларга кўра, октябрь ойида уй-жой қурилиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,5 процент камайди. Ер нархи ғоят тез ўсиб бораётган бир шароитда, деб ёзади маҳаллий газета, уй-жой сотиб олишга японларнинг тобора кўп қисмининг қурби етмай қолди.

✦ **БАМАКО.** Куба Компартияси делегациясининг Мали Республикасига қилган визити Куба билан Мали ўртасида муносабатларни янада ривожлантиришга, Куба Компартияси билан Мали Халқ демократик иттифоқи ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга бағишланди. Визит якунлари юзасидан бу ерда эълон қилинган қўшма ахборотда шу ҳақда гапирилади. Томонлар Ер юзида халқлар ўртасида тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш тарафдори эканликларини билдирдилар. Улар Куба Республикасининг суверенитети ва территориал бутунлигига таҳдид қилаётган АҚШ империалистик доираларининг агрессив кирдикорларини қораладилар.

Куба Компартияси делегацияси Мали Халқ демократик иттифоқи делегацияси билан музокаралар олиб борди.

(ТАСС).

ФОЖИАЛИ ҲОДИСА

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон пойтахти чеккасида фожиали ҳодиса юз берди. Дунёдаги катта миноралардан бири—70 метрдан ҳам баландроқ Қутб минор ичида тўсатдан чироқ ўчиб қолди. XII асрда қурилган ва машҳур меъморий ёдгорликлардан бири бўлмиш шу миноранинг тутқичсиз айланма гиштинасидан шу пайтда юзлаб кишилар кўтарилаётган ва тушаётганди. Улар миноранинг тепасидаги томоша майдонидан атроф тевараклни кўргани келгандилар. Шундай қилиб қоронғида кимнингдир оёғи тойилиб кетди ва одамлар пастга думалаб туша бошлади. Натижада 50 дан ортиқ киши нобуд бўлди ва 100 дан ортиқ киши жароҳатланди.

Фожиа муносабати билан Ҳиндистон парламенти мажлисини тўхтатди. Бош министр И. Ганди ва Ҳиндистоннинг бошқа раҳбарлари ҳалок бўлганларнинг оилаларига ҳамдардлик изҳор қилдилар.

ЯПОНИЯ. Мамлакатнинг демократик кучлари қуролланиш пойгасини тўхтатишга қарши изчил курашмоқдалар. Водород ва атом бомбаларини ишлаб чиқаришга қарши кураш бўйича Япония Советининг чақирғига биноан жойларда фотокўргазмалар ташкил этилмоқда. Суратда: томошабинлар Дифу шаҳридаги кўргазма экспонатларни билан танишмоқдалар.

Жапан — пресс — ТАСС фотохроникаси.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

УМУМИЙ ХИМИЯДАН АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Химия фанлари кандидатлари М. Юнусов ва Ж. Фаёзовларнинг мазкур китоби қишлоқ хўжалик техникумлари талабалари учун мўлжалланган. Унда химия лабораторияларида ишлаш қоидалари, анорганик, органик, аналитик химияга, минерал ўғитлар ва тупроқни агрохимиявий анализ қилишга доир амалий ишлар кўрсатилган. Практикум қишлоқ хўжалик техникумлари ўқув программасига мувофиқ ёзилган.

ТИЛШУНОСЛИККА КИРИШ

Дарсликда Ўзбекистон ССР Олий ва махсус ўрта таълим ҳамда маориф министрликлари томонидан «Тилшуносликка кириш» курси бўйича тасдиқланган программанинг барча масалаларини ёритишга ҳаракат қилинган. Уни яратишда шу курсни ўқитиш давомида орттирилган кўп йиллик тажриба ва курс бўйича нашр қилинган барча совет ва чет эл тилшуносларининг асарларидан фойдаланилган.

МАСАЛАЛАР ЕЧИШ БЎЙИЧА ПРАКТИКУМ

Педагогика институтларининг математика факультетларида «Масалалар ечиш бўйича практикум» курси ўқитила бошланди. Бундан мақсад институтларнинг математика, физика-математика факультетларида таълим олаётган студентларнинг билимларини ошириш ҳамда ўрта мактаб мисол ва масалаларини ечиш усуллари билан таништиришдан иборат.

Т. Тўлағановнинг ушбу қўлланмаси ана шу курсни ўқитиш учун яратилган бўлиб, у студентлар ва ўрта мактаб ўқувчиларига мўлжалланган.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАСИГА ОИД РУСЧА-ЎЗБЕКЧА ЛУҒАТ

Қишлоқ хўжалик техникасига оид русча-ўзбекча луғат ўрта ҳунар-техника билим юртлари талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган. Унда А дан Я ҳарфигача бўлган ҳар бир терминга изоҳ берилган. Луғатда қишлоқ хўжалик техникасига оид терминлар тушунчаларининг русча ва ўзбекча номлари, уларнинг тарихи, вазифаси, тузилиши, ишлатиш усули ҳамда жойи баён этилган.

* * *

Ушбу китоблар «Ўқитувчи» нашриётида босмадан чиқди.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

Наргиза уйга шошиб киряпти:

— Ойи, нега ёлғон гапирдингиз? — деди.

— Қачон?

— У куни қўшнимиз гап сотувчи аёл, деган одингиз. Ҳозиргина бозорда кўрдим, гап эмас, олма сотиб ўтирибди-ку!?

* * *

Конфетга кўзи тушган Нодира:

— Бувижон, одам конфетни кўп еса нима бўлади? — деди.

— Нима бўларди, тиши тушиб кетади-да, болам.

— Бўлмаса, сиз мендан яширинг кўп конфет ер экансиз-да?!

* * *

— Ойижон, қариларнинг кўзи яхши кўрмайдими, а?

— Нега сўраяпсан, қизим?

— Бувим мени доим кулоқсиз сан, — дейдилар. — Ахир, мана қулоқларим борку!

Турсун РАШИД.

ТОШКЕНТДА ТАТАР ДАВЛАТ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

МУҚАДДАС ДЎСТЛИК ОҒУШИДА

Пойтахтимиздаги Ўзбек давлат «Ёш гвардия» драма театри биносида Татар давлат драма ва комедия театрининг гастроллари давом этмоқда. Қардош татаристонлик санъаткорлар бир неча кун давомида ўзбек томошабинлари ҳузурида ўзларининг энг яхши саҳна асарларини намойиш этмоқдалар.

Ўзбек ва татар халқларининг театр намояндаларини узоқ йиллардан буён дўстона муносабатлар боғлаб туради. Бу ижодий алоқаларнинг узоқ тарихи ва бой анъанаси бор. Маълумки, санъат халқларимизнинг маданий тараққиётда эришган ютуқларини ифода этиш билан бир қаторда, уларни яқинлаштиришда ва бир-бирларини янада чуқурроқ тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг театримизда таниқли режиссёр, Ўзбекистон ССР халқ артисти Т. Ҳўжаев саҳналаштирган «Қизил гуррали нозик ниҳолим» спектакли кўп йиллар давомида катта муваффақият билан намойиш қилинди.

Бундан ташқари, татар томошабинлари Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрининг гастроль томошаларини ҳали-ҳануз яхши эслайдилар. Бир неча ой муқаддам эса театримиз коллективининг таклифи билан Татаристоннинг нефть қазиб чиқариладиган районлари бўйлаб ўзбек давлат «Ёш гвардия» драма театри санъаткорлари ижодий сафарда бўлдилар. Улар намойиш қилган бири-биридан қизиқарли спектакллари халқимиз катта қизиқиш билан қарши олди. Мана энди, биз ҳам ўз навбатимизда Ўзбекистон пойтахтига меҳмон бўлиб келдик. Албатта, бу ижодий алоқалар бадиий коллективларни бир-бирига яқинлаштирибгина қолмай, актёрлар профессионал маҳоратининг ошишига, репертуарларимизнинг юксак савиядаги саҳна асарлари билан бойишига хизмат қилади.

Тошкентдаги гастроль томошаларида биз кейинги йилларда саҳналаштирилган 4 та спектаклни намойиш этяпмиз. Санъат мухлислари татар классик драматургияси асарларидан Н. Исанбетнинг «Ҳўжа Насриддин» комедияси ва М.Гофурий қиссаси асосида яратилган «Қора юзлилар» драмасини томоша қиладилар. Драматург И. Юзеевнинг «Ёввойи гозлар изидан» номли ва Г. Охуновнинг «Булбул уясн» романи асосида саҳналаштирган спектакллар эса замондошларимиз ҳаётига бағишлангандир. Биз бу асарларимизни бир неча бор Татаристоннинг шаҳар ва қишлоқларида, шунингдек, Поволжье, Урал ва Сибирь томошабинлари ҳузурида муваффақиятли намойиш қилдик. Асарлар мавзу жиҳатдан турлича бўлиб, хилма-хил характердаги кишиларнинг тақдири, улар олдида кўндаланг турган мураккаб масалалар ҳақида қилинса-да, бироқ бу спектакллар асосида инсонга муҳаббат ва инсонпарварлик ғоялари таранням этилади.

Бу йил ёзда Татаристон нефтчилари ҳаётида унутилмас воқеа рўй берди. Улар ер қаридан кўплаб тонна нефть қазиб олдилар. Театримиз коллективи бу улкан меҳнат шодиёнасига атаб яратган спектаклда Г. Охуновнинг «Хазина» номли машҳур романига мурожаат қилиниб, томошабинларга Автоном республикамизда нефть қазиб олиш учун дастлабки кураш бошланган йилларни кўрсатиб беришга интилди. «Булбул уяси» деб аталган бу асарда ишлаб чиқариш муносабатлари онлавий масалалар билан яхлит ҳолда ифодаланади. Спектакль ўзининг ғоявий-бадиий йўналиши, воқеалардаги фавқулодда бурилишлари, қаҳрамон ва персонажларнинг миллий колоритга ва қувноқ юморга бойлиги билан катта қизиқиш уйғотади. Тилга олинган бу саҳна асарларига республикамизнинг кўзга кўринган композиторларидан Ж. Файзий, С. Содиқова, С. Сайдашев, М. Яруллин, М. Имашевлар куй басталаган бўлиб, жозибали музыка спектакларнинг таъсирчанлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистонлик нозик дидли ва юксак савияли театр мухлислари ҳузурида ижодий имтиҳондан муваффақиятли ўтиш шарафли ва масъулиятлидир. Лекин мен ТАССР халқ артистлари М. Шагидулина, Л. Фирсина, С. Исмагилова, И. Маҳмутова, Г. Нуруллин, Автоном республикада хизмат кўрсатган артистлар Ф. Фарсин, Х. Шакуров ва Х. Махмутов, Н. Шайхутдинов, Н. Сафин, Ф. Мамяшев, З. Досаева каби етакчи ижрочиларга эга бўлган бадиий коллективимизнинг Тошкентдаги гастроль томошалари театримиз тарихида унутилмас воқеа бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Гастроль томошаларимиз ўзбек томошабинларида яхши таассурот қолдира олса, ўзимизни беҳад бахтиёр ҳис этар эдик.

М. А. ШИГАПОВ,
театр директори, ТАССР-да хизмат кўрсатган маданият ходими.

БЕПОЁН ВАТАНИМИЗ БЎЙЛАБ

✦ КАЛИНИН. «Калининские узоры» ишлаб-чиқариш бирлашмаси маҳсулотлари харидорбоплиги ва сифатлилиги билан ажралиб туради. Суратда: бирлашма экспериментал лабораториясида янги маҳсулотлар намойиш этиляпти.

✦ ГОМЕЛЬ, Белоруссия ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари қўзиқорнини сунъий шароитда етиштириш технологиясини ишлаб чиқдилар. Ҳозир институт теплицасида ҳар гектар майдондан 200 тоннадан ҳосил йиғиштириб олинаётир. Суратда: институт теплицасида.

✦ ПЕРМЬ. Краснокамский заводнинг реконструкция қилиш ғарбий Германия фирмаси мутахассислари ҳамкорлигида олиб борилди. Фирма завод учун янги асбоб-ускуналар етказиб берди. Суратда: завод цехларидан бирида.

✦ МИНСК. Суратда: «БелавтоМАЗ» ишлаб чиқариш бирлашмаси лазер технологияси лабораториясида янги «Кардамон» лазер қурилмасида тажриба ўтказилмоқда.

(ТАСС фотохроникалари).

ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ШУНДАЙ ХИЗМАТ ҚИЛИШМОҚДА

ЖАНГЧИ ОШПАЗ

Машқлар тугади. Жангчилар қуролларини тозалаб, навбатчига топширишди. Кўп ўтмай навбатчининг:

— Қисм, тушлик қилишга сафланг! — деган овози келди.

Жангчилар бир неча дақиқа ичида саф тортишди. Командирнинг буйруғидан сўнг қўшиқ билан шаҳдам одим ташлаб, ошхонага йўл олишди...

— Мана буни таом деса бўлади. Жуда ҳам мазали тайёрлашибди, — деб қолди қисмга янги келганлардан бири иштаҳа билан овқатланаркан.

— Бизда доим шундай тайёрлашади, — гапга қўшилди унинг рўпарасида ўтирган жангчи. — Ошпазимизнинг қўли гул.

Дарҳақиқат, жангчи ошпаз Мирза Камоловнинг она шаҳри — Бекободдаги «Дилбар» кафесида орттирган тажрибаси жуда қўл келмоқда. Унга қисмда ошпазлик қилиш, кўпчиликка маъзур бўла оладиган таомлар тайёрлаш дастлаб, қийинчилик туғдирган бўлсада, кейинчалик бу ишга кўниқиб кетди. Мирза тез орада бошқа турли миллий таомларни тайёрлашни ҳам ўрганиб олди.

Ҳозирда Мирза Камолов ошпазликда ҳам, қисм жангчиларининг сиёсий ва жанговар тайёргарлигида ҳам бошқаларга ўрнак бўляпти. Ўзининг хизмати даврида бир неча бор командирликнинг ташаккурномалари билан тақдирланди. Қисм байроғи остида суратга тушиш шарафига муяссар бўлди.

Ҳа, бекободлик М. Камолов ўз бурчини аъло даражада ўтаяпти.

К. РАҲМОНБЕРДИЕВ.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

МЕБЕЛСОЗЛАР МАЙДОНДА

Майдон спортчилар билан гавжум. Волейбол ва баскетбол билан шуғулланаётганларнинг ҳам, стадион атрофидаги югуриш йўлагида анчадан буён турли машқлар бажараётган енгил атлетикачиларнинг ҳам кайфиятлари чоғ. Айниқса, футболчиларнинг машғулотлари қизғин ўтади. Мана ҳозир ҳам дарвозалар олдига йиғилиб олган ўйинчилар тўпни тоҳ бир-бирларига ошириб, тоҳ якка ҳолда тўхтатиб ишонгга йўналтиришяпти. Ўнг томондаги дарвозабоннинг чаққон ҳаракатлари диққатимизни тортди.

— Василий Кононов корхонамизнинг илғор ишчиларидан ҳисобланади, — таништирди Янгийўл мебель фабрикаси маҳаллий комитети раиси Ҳ. Ғиёсова. — У стол тенниси бўйича биринчи спорт разрядига ҳам эга. Турли мусобақаларда спортнинг шу икки тури бўйича корхонамиз, шаҳримиз шарафини ҳимоя қилади.

В. Кононовга ўхшаб спортга чин яхлос қўйганлар фабрикада кўплаб топилади. Халқаро классдаги СССР спорт мастери, велоспорт бўйича СССР терма командаси аъзоси, яқинда корхонадан ҳарбий ҳизматга чақирилиб ҳозир йигитлик бурчини ўтаётган А. Лисяк, футбол бўйича биринчи разрядли спортчилардан З. Собиров, Ғ. Ўсароз, А. Тошматов, шахмат бўйича СССР спорт мастерлигига номзодлар Б. Прохоров, В. Хван, стол тенниси бўйича биринчи разрядли спортчилар Б. Улуғхўжаев, А. Петров шулар жумласидандир.

Корхонада 900 га яқин ишчи-хизматчи бўлиб, уларнинг қариб ярми мунтазам физкультура ва спорт билан шуғулланади. Шаҳар «Спартак» қўнғилли спорт жамиятига қарашли комплексдаги стадион, югуриш йўлаги, икки баскетбол, қўл тўпи ва волейбол майдонлари, мерганлик тири ва бошқа иншоотлар спортчилар ихтиёрига бериб қўйилган.

Ҳар йили фабрикада спорт тирлари бўйича цехлараро мусобақалар ўтказиш анъанага айланиб қолган. Бу йил шу кунгача корхонада спортнинг 6 тури бўйича 15 га яқин мусобақа ўтказилди. Ғолиблар фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

Фабрикада ишлаб чиқариш гимнастикаси ҳам яхши йўлга қўйилган. Спорт инструктори А. Петров ва кўплаб жамоатчи инструкторлар ёрдамида танаффус вақтларида навбатма-навбат ҳар бир цехда гимнастика машқлари бажарилади. Бу эса ишчилар саломатлигини мустаҳкамлаш шахсий бойлик орттириш мақсадида олиб кетилаётган картошка мусодара қилинди. Қонунбузарлар эса қилмишларига яраша жазолондилар.

Ҳудди шунингдек, Калинин районидаги Ўртаовул автобазаси шофёрлари Қ. Жўраиов ва В. Худяковлар ҳам яқинда қўлга тушишди. Улар автокорхонанинг МАЗ ҳамда КРАЗ автомашиналаридан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётганларида ГАИ ходимлари томонидан фош этилдилар.

Жиноятчилар-ку ушланди, лекин юқоридаги икки автокорхона раҳбарлари ўз коллективларида меҳнат интизомига риоя қилмай қўйганликлари, ишда аниқ-пухта назорат ўрнатмаганликлари кишини афсуслантиради. Наҳотки юк машиналаридан бир неча кун дом-даракси кетса-ю, у билан ҳеч ким қизиқмаса?

Давлат машинаси умумхалқ мулки. Буни сира унутмаслик керак.

О. МАҚСУДОВ,
Оржоникидзе район прокурори, юстиция маслаҳатчиси.

Қ. КАРИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ҚУЙИ ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ҚАНОТСИЗ УЧАРЛАР

Абдумавлон Назармуҳамедов Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози аъзоси Ўрозбой Ўсканбоевнинг «антиқа» илтимосини эшитгач, аввалига ўйланди. Сўнг рози бўлди: «Юкни элтиб берсам, бўлгани экан. Менга нима, кетса давлатнинг бензини кетади», дерди ўзича.

А. Назармуҳамедов режасини шериги Маҳамаджон Расуловга айтди:

— Хизмат ҳақи 1800 сўм.

— Майли, оғайни, борсак борибмизда, ўша Нукусга, — кўнди Маҳаммаджон ҳам.

Орадан кўп фурсат ўтмади. «Узплодоовощтранс» автоколоннасининг икки ҳамтовоқ шофёри 50 сўм пул эвазига тоза йўл варақасини топишди. Шу тариқа қалбаки ҳужжат расмийлаштирилди. Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози аъзолари Ўрозбой Ўсканбоев, Сарибой Дешеев ва Абулқосим Аматовларнинг 9 тонна картошкасини ўзларига биркитилган «Узплодоовощтранс» автоколоннасига қарашли «Шкода» автомашинасига ортиб, йўлга тушишди. Лекин уларнинг бу сафарлари узоққа бормади. Бухоро областининг Газли шаҳри яқинида уларни тўхтатган Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари шофёрлар рўхсат қилган ҳужжатларнинг қалбаки эканини аниқлашди. Жиноий йўл бисини шериги Маҳамаджон Расуловга айтди:

— Хизмат ҳақи 1800 сўм.

— Майли, оғайни, борсак борибмизда, ўша Нукусга, — кўнди Маҳаммаджон ҳам.

Орадан кўп фурсат ўтмади. «Узплодоовощтранс» автоколоннасининг икки ҳамтовоқ шофёри 50 сўм пул эвазига тоза йўл варақасини топишди. Шу тариқа қалбаки ҳужжат расмийлаштирилди. Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози аъзолари Ўрозбой Ўсканбоев, Сарибой Дешеев ва Абулқосим Аматовларнинг 9 тонна картошкасини ўзларига биркитилган «Узплодоовощтранс» автоколоннасига қарашли «Шкода» автомашинасига ортиб, йўлга тушишди. Лекин уларнинг бу сафарлари узоққа бормади. Бухоро областининг Газли шаҳри яқинида уларни тўхтатган Давлат автомобиль инспекцияси ходимлари шофёрлар рўхсат қилган ҳужжатларнинг қалбаки эканини аниқлашди. Жиноий йўл билан шахсий бойлик орттириш мақсадида олиб кетилаётган картошка мусодара қилинди. Қонунбузарлар эса қилмишларига яраша жазоландилар.

Ҳудди шунингдек, Калинин районидаги Ўртаовул автобазаси шофёрлари Қ. Жўраиов ва В. Худяковлар ҳам яқинда қўлга тушишди. Улар автокорхонанинг МАЗ ҳамда КРАЗ автомашиналаридан ўз манфаатлари йўлида фойдаланаётганларида ГАИ ходимлари томонидан фош этилдилар.

Жиноятчилар-ку ушланди, лекин юқоридаги икки автокорхона раҳбарлари ўз коллективларида меҳнат интизомига риоя қилмай қўйганликлари, ишда аниқ-пухта назорат ўрнатмаганликлари кишини афсуслантиради. Наҳотки юк машиналаридан бир неча кун дом-даракси кетса-ю, у билан ҳеч ким қизиқмаса?

Давлат машинаси умумхалқ мулки. Буни сира унутмаслик керак.

О. МАҚСУДОВ,
Оржоникидзе район прокурори, юстиция маслаҳатчиси.

Қ. КАРИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ТЕКИНХУРГА ШАФҚАТ ИУҚ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси шуни маълум қиладики, газетага 1982 йил учун обуна муддати 1981 йилнинг 10 декабригача давом эттирилади.

Обуна барча алоқа бўлимларида, «Союзпечать» агентликларида, корхоналар, идоралар, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар, олий ўқув юртларида жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

11, 12, 13, 18 декабрь соат 14, 17, 20.00 да;
14, 15, 16, 17 декабрь соат 17 ва 20.00 да

СТАС НАМИН раҳбарлигидаги

«ГУЛЛАР» РОК ГРУППАСИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида ҳар куни соат 10 дан 20.00 гача сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Справкалар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-07-53.

Марказий «Юбилей» спорт зали атрофида транспортлар кўпайтирилади ҳамда автомашиналар учун тўхташ жойи ташкил этилган.

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг
1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ
(Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй).
Троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган
5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсантлар, сўнгра ҳайдовчилар трамвай ва троллейбуслардан бепул фойдаланадилар.

Бошқа шаҳардан келган ёлғиз кишилар депо яқинида жойлашган ётоқхона билан таъминланадилар.

Депо хизматчилари 50 процент ҳақ тўлаб форма кийими сотиб оладилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ „ОТИШ ХУҚУҚИ“

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ ЭКРАНЛАРГА ЧИҚАРАДИ

Сценарий автори — О. СМИРНОВ.
Режиссёр — В. ЖИВОЛУБ.

Ролларда: Владимир Ивашов, Александр Мартинов, Талъат Неъматуллин ва бошқалар.

Фильм ҳамиша бизнинг давлатимиз чегараларининг даҳлсизлигини ҳимоя қилишга тайёр турадиган совет денгизчи-чегарачиларининг машаққатли ва фахрли хизмати тўғрисида ҳикоя қилади.

Алексей Никитин командирлик қилаётган чегара посбонлик кемаси бизнинг территория сувларимизга кириб келган балиқчилик кемасини ушлаб олади. Шу пайтдан бошлаб чегарачиларнинг ниқобланган душман разведка кемаси билан яккама-якка жанги бошланади. Чегарачилар абжирлик ва топқирлик кўрсатиб чегара бузувчиларни қўлга туширадилар.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

8 ДЕКАБРЬ, МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Ҳамма нарсадан азиз. Тарихий публицистик киноэпопея. 11.05 — С. Прокофьев. 8-соната. 11.35 — Ёшларнинг адреслари. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — А. Фадеев — ёзувчи, гражданин, коммунист. 17.05 — Ҳужжатли фильм. 18.00 — Фильм-концерт. 18.30 — «Заря Востока» газетасининг совғини учун кўл тўпи бўйича Халқаро турнир. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — «Очиққасига гап». «Планнинг обрў-эътибори ва қадр-қиммати» Кўрсатув. 20.00 Концерт. 20.35 — Ҳамма нарсадан азиз. Тарихий-публицистик киноэпопея. 21.30 — Время. 22.05 — Фестивалларга... Конкурслар... Концертлар. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Ҳужжатли фильм.

МТ-IV

9.00 — Время. 9.45 — Ҳужжатли фильм. 10.05, 13.10 ва 17.30 — Шахмат мактаби. 10.35 — 11.45 — Табиатшунослик. 10.55 — Синтетик каучуклар. 11.25 — Ҳужжатли фильм. 12.05 ва 17.00 — Француз тили. 12.40 ва 13.40 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 14.10 — Бир актёр театри. 15.10 — Физика. 15.40 — Тарих. 16.10 — А. С. Пушкин. Мис чавандоз. 19.30 — П. И. Чайковский романслари. 19.50 — Синхрон сузиш бўйича СССР кубоги. 20.15 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 21.15 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 21.30 Время. 22.05 — Қоракумларда. Бадиий фильм. 23.25 — Концерт.

УзТВ-I

18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.20 — Жонажон ўлка. 18.50 — «Юмор» телевизион театри. Қўшиқ баҳона. 19.30 — Ахборот. 19.45 — КПСС Марказий Комитети (1981 йил) ноябрь Пленуми қарорлари — ҳаётга! 20.15 — Пахтакорларнинг қишки юмушлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — У. Мусаев. Ҳинд достони. Спектакль. 23.40 — Кўрсатувлар программаси.

УзТВ-II

18.05 — Кўрсатувлар программаси. 18.10 — Болалар учун фильм. 18.15 — Табрикларимизни қабул этинг. Байрам музикали программаси. 2-бўлим. (такрорий). 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 21.20 — Телефильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/XII да Ун учинчи раис, 10/XII да Гурунг (премьера).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/XII да Тўйдан олдин томоша, 10/XII да Хизматингизга тайёрмиз.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 9/XII да янги программа, Совет цирки усталарининг гастроллари (19.30).

Бўка район партия комитети ва район ижроия комитети Фрунзе номли колхоз правлениесининг раиси Г. Ботировга отаси

Ботир РАЖАББОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325554. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 02391. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1775. 13